

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
“АРХИТЕКТУРАВИЙ ЛОЙИҲАЛАШ” КАФЕДРАСИ**

Қодирова Сурайё Адилевна

**ЗАМОНАВИЙ
АРХИТЕКТУРАВИЙ
КОМПОЗИЦИЯ**

ФАНИДАН

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

II қисм

Тошкент – 2011

«Замонавий архитектуравий композиция» фани бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент, 2011. – 1-кисм 160 бет; 2-кисм 33 бет.

Ушбу ўқув-услубий мажмуа “Замонавий архитектуравий композиция” фани асосида яратилган бўлиб, унда архитектура йўналиши бўйича таълим олаётган магистрлар учун мўлжалланган, ҳамда бино ва иншоотларнинг архитектуравий композициясини лойиҳалаш ва ташкил этишнинг назарий жиҳатдан шакллантиришга қаратилган.

Ўқув-услубий мажмуа ўқув дастури, таълим технологиялари, кўргазмали слайдлар, савол – жавоблар, тест саволлари, жорий, оралиқ ва якуний назорат топшириқлари жамланган.

Мазкур ўқув-услубий мажмуа архитектура таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабалар учун тавсия этилади. Шу билан бирга ўқув-услубий мажмуадан ўқитувчилар, илмий ходимлар, аспирант ва тадқиқотчилар, ўз малакаларини ошираётган профессор-ўқитувчилар ҳамда соҳасига қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Тузувчилар: “Архитектуравий лойиҳалаш” кафедраси доценти
Қодирова Сурайё Адиловна

Такризчилар: педагогика фанлари номзоди, доцент Абдуллаева Ш.Ш.
Арх.номзоди, доц. Умаров А.А.

	МУНДАРИЖА		
1.	17-маъруза	Спорт иншоотлари ва усти берк спорт бассейнларининг композицион схемаси	5
2.	18-маъруза	Аеровокзалларнинг архитектура – композицион схемаси	14
3.	19-маъруза	Клубларнинг ҳажмий – композицион ечими	21
4.	20-маъруза	Савдо корхоналари композицион ечимлари	27

17-МАНЗУ	Спорт иншоатлари ва усти берк спорт басейнларининг композицион схемаси
-----------------	---

1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

Ўқув соати – 2 соат	Талабалар сони:
Ўқув машғулоти шакли	Ахборотли маъруза
Маъруза режаси	1. Спорт иншоотлари хоналари. 2. Берк ва очик спорт иншоатлари 3. Очик текисликдаги спорт иншоатлари. 4. Стадионларнинг турлари. 5. Берк стадионлар. 6. Минбарлар. 7. Сузиш бассейнлари
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларни спорт иншоатлари ва усти берк спорт басейнларининг композицион схемаси билан таништириш	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
Спорт иншоотлари хоналари билан таништиради	Спорт иншоотлари хоналари билан танишади
Берк ва очик спорт иншоатлари ҳақида гапириб беради	Берк ва очик спорт иншоатлари ҳақида билади
Очик текисликдаги спорт иншоатлари ҳақида гапириб беради	Очик текисликдаги спорт иншоатлари ҳақида билади
Стадионларнинг турлари билан таништиради	Стадионларнинг турларини билади
Берк стадионлар композицион схемасини намоён этади	Берк стадионлар композицион схемасини намоён этади
Минбарлар композицион схемасини намоён этади	Минбарлар композицион схемасини намоён этади
Сузиш бассейнлари композицион схемасини намоён этади	Сузиш бассейнлари композицион схемасини намоён этади
Ўқитиш воситалари	<i>маъруза матни, компьютер слайдлари, доска</i>
Ўқитиш усуллари	<i>ахборотли маъруза, блиц-сўров, эркин ёзиш</i>
Ўқитиш шакллари	<i>жамоада ишлаш</i>
Ўқитиш шароити	<i>техник воситалар билан таъминланган аудитория</i>
Мониторинг ва баҳолаш	<i>оғзаки савол-жавоб</i>

1.2. “Спорт иншоатлари ва усти берк спорт бассейнларининг композицион схемаси” мавзусининг технологик харитаси

Иш босқич-лари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич. Мавзуга кириш (20мин)	1.1.Янги мавзуга кириш мақсадида “Спорт иншоатларининг композицион схемаси” мавзусида эссе ёзиш топшириғини беради. 1.2. Баъзи талабаларнинг эсселарини эшитади. 1.3.Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутиладиган натижалар билан таништиради.	Конспект дафтарларига ёзадилар Фикр алмашилади Тинглайдилар
2 -босқич. Асосий қисм (40 мин)	2.1.Маъруза режаси билан таништиради (1 - илова). 2.2.Таянч иборалар билан таништириш (2-илова). 2.3. Спорт иншоотлари хоналари билан таништиради (3-илова). 2.4. Берк ва очик спорт иншоатлари ҳақида гапириб беради (4-илова). Очик текисликдаги спорт иншоатлари ҳақида гапириб беради (5- илова). 2.5. Стадионларнинг турлари билан таништиради (6- илова). 2.6. Берк стадионлар композицион схемасини намоён этади (7- илова). 2.7. Минбарлар композицион схемасини намоён этади (8- илова). 2.8. Сузиш бассейнлари композицион схемасини намоён этади (9- илова).	Режани ёзиб оладилар Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар
3-босқич. Яқунловчи (20 мин)	3.1.Мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш учун блиц-сўров ўтказди (10-илова). 3.2. Мавзу бўйича адабиётлар рўйхатини беради (11-илова)	Саволларга жавоб берадилар Адабиётларни ёзиб оладилар

Маъруза режаси

1. Спорт иншоотлари хоналари.
2. Берк ва очик спорт иншоатлари
3. Очик текисликдаги спорт иншоатлари.
4. Стадионларнинг турлари.
5. Берк стадионлар.
6. Минбарлар
7. Сузиш бассейинлари

2-илова

Таянч сўзлар

Очик ва ёпик (берк) спорт иншоатлари, стадионлар, минбарлар, сузиш бассейинлари.

3-илова

Очик ва ёпик (берк) спорт иншоатлари

Спорт иншоатлари асосий иншоатларига, ёрдамчи иншоатларга ва тамошабин жойлашадиган хоналарга бўлинади.

Асосий иншоатлар спорт иншоатларининг асосий иншоати хисобланади, улар спорт- машқ машғулотларини ўтказиш, соғломлаштириш ишлари ва мусобақалар ўтказиш учун мўлжалланади ва мусобақалар қоиаларига ва спорт жихозларининг амалдаги табелига мувофиқ қоплама ўлчамларига, белгиланишига ва жихозларига эга бўлиши керак.

Ёрдамчи хоналар ва иншоатлар шуғулланувчиларга хизмат кўрсатиш ва спорт ишларини эксплуатация қилинишини таъминлаш учун мўлжалланган.

Тамошабинлар учун қурилмалар тамошабинлар учун асосий иншоатнинг яқинида жойлашган иншоатлардан ва тамошабинларга хизмат кўрсатувчи хоналардан иборат.

Асосий иншоатлар машғулотлар асосан очик ҳавода ўтказиладиган очик иншоатларга ва бундай машғулотлар ёпик хоналарда ўтказиладиган берк иншоатларга бўлинади. Спорт иншоатлари ўзини функционал вазифасига кўра таснифланади, яъни улар мўлжалланган спорт турларига кўра таснифланади.

4-илова

Берк ва очик спорт иншоатлари

Берк ва очик спорт иншоатлари битта спорт тури учун ҳам, бир неча спорт турлари учун ҳам мўлжалланган, уларнинг қурилмаларини ўзгариш шарти билан алоҳида (универсал) иншоатларга ва турли хил спорт турлари учун мўлжалланган, ҳудудининг умумийлиги билан бирлаштирилган ёки битта бинода жойлаштирилган бир неча алоҳида иншоатлардан ташкил

топади.Жисмоний тарбия-спорт тармоғини шаҳар аҳолисига уни режавий тузилмасига мувофиқ маъданий-маиший хизмат кўрсатишнинг умумий тизимига элементи сифатида лойиҳалаш лозим.Жисмоний тарбия ва спорт иншоотларига қайси режавий бўлинма хизмат кўрсатишига боғлиқ равишда улар микрорайон,туман,туманлараро,умумшаҳар иншоотларига бўлинади.

Микрорайон спорт иншоотлари бир неча текисликда қурилади.Уларни мажмуалар тарзида лойиҳалаш лозим :7 ёшгача бўлган болалар учун,7 ёшдан 10 ёшгача бўлган болалар учун ва 11ёшдан 17ёшгача ўсмирлар учун ҳамда катталар учун.Микрорайон иншоотларининг хизмат кўрсатиш радиуси -7 минутлик пиёда юриб бориш чегарасида(ёш гуруҳига боғлиқ ҳолда 50дан 500м гача) .Микрорайон қурилмалари таркибига қуйидагилар киради: кичик ёшдаги болалар учун майдончалар ва велосипедда юриш учун йўлақлар,ўсмирлар ва катталар учун-гимнастика ва спорт ўйинлари майдончалари.Болалар ва 11 дан17 ёшгача ўсмирлар учун ва катталар майдончалар мажмуаларининг участкаларини микрорайон боғи ҳудудида мактаб участкаси спорт зонасига қўшни қилиб танлаш лозим.кичик ёшдаги болаларучун майдончалар мажмуаларини турар жой гуруҳларида жойлаштириш лозим.

Туман жисмоний тарбия ва спорт иншоотлари турар жой туманлари аҳолисига хизмат кўрсатади.Туман иншоотларини турар жойнинг жисмоний тарбия-спорт марказига бириктирилган ҳолда лойиҳалаш лозим.Турар жой тумани жисмоний-тарбия марказининг хизмат кўрсатиш радиуси 20 минутлик пиёда юриб бориш масофасига тенг.Турар жой тумани жисмоний тарбия-спорт иншоотлари таркибига ўйин майдонларининг анча кўп миқдорларидан ташқари спорт ядроси, спорт зали ва очиқ сузиш бассейни киради.

Туманлараро иншоотларини туманлараро спорт марказига ёки маданият ва истироҳат боғининг жисмоний тарбия зонасига бирлаштирилган ҳолда лойиҳалаш лозим.

Бунга энг яқин турар жойдаги жисмоний тарбия-спорт маркази иншоотлари киради.Унинг таъсир доираси транспортда 20 минутлик бориш масофасига тенг.Унинг таркибига спорт ядросининг,футбол ядросининг,футбол майдонининг ўйин майдончалари,спорт заллари,очиқ ва берк бассейнлар киради.

Умумшаҳар жисмоний тарбия –спорт иншоотлари ўз майдони ва номенклатураси бўйича шаҳар аҳолисининг сонига ва унинг режавий тузилмасига бевосита боғлиқ бўлади.

Аҳолиси 500 минггача бўлган шаҳарларда умумшаҳар спорт марказини, одатда,турар жой туманининг унга энг яқин жисмоний тарбия спорт маркази билан ёки туманлараро спорт маркази билан бирлаштириш лозим .Аҳолиси 500мингдан ортиқ бўлган шаҳарларда умум шаҳар спорт марказини шаҳарнинг жамоат марказидан алоҳида жойлаштириш лозим.Умум шаҳар жисмоний тарбия спорт марказининг хизмат кўрсатиш радиуси 30 минутгача транспорт юриши масофаси билан белгиланади.

5-илова

Очиқ текисликдаги спорт иншоатлари

Текисликдаги иншоатлар деб, очиқ ҳавода ўқув машқ қилиш машғулоти учун майдончалар, майдонлар, югириш бўйича енгил атлетика ва конькида югириш йўлларига айтилади. Текисликдаги мажмуали спорт иншоатининг энг ўзига хос тури спорт ўйинлари учун майдондан иборат бўлиб, у доиравий енгил атлетика йўлакчаси билан ўралган бўлади, ундан югириш йўлагининг секторларида ёки унинг участкаларининг ташқи периметрларидан ташқарида жойлашган секторлар ядро, диск иргитиш учун жойлашиш керак бўлади. Майдончаларнинг барча турлари ўзининг бўйлама ўқи билан шимоли жануб йўналишида ундан шимолий шарқ ва шимолий ғарбга 5 градусга мумкин бўладиган оғиш билан мўлжалланиши керак.

6-илова

Стадионларнинг турлари

Стадион турли хил спорт турлари бўйича ўқув, машқ қилиш ва намоёиш қилиш учун мўлжалланган, шаҳардаги жисмоний тарбия иншоатлари тармоғининг асосий элементлари ҳисобланади.

Стадион иншоатлар мажмуидан иборат бўлиб, унинг таркибига меъёридаги спорт ядроси ёки тамошабинлар учун жойлари бўлган спорт аренаси, спорт ўйинлар учун майдонлар ва майдончалар, шунингдек турли спорт турлари учун очиқ ва берк спорт иншоатлари ёрдамчи ҳудудлари ва хоналари билан бирга киради. Йирик шаҳарларда туманлараро ва умумшаҳар стадионларидан ташқари жуда ноёб ҳисобланган катта стадионлар ҳам қурилади. Уларнинг вазифаси-умумреспублика аҳамиятидаги оммавий спорт мусобақаларини шунингдек кўп минг кишилик тамошабинлар иштирокида халқаро учрашувлар ёки олимпиада ўйинларининг ўтказишдир. Бундай йирик стадионларнинг ҳудуди 50 гк дан ортиқ ерни эгаллайди. Катта спорт аренаси минбарлари 100 минггача тамошабини сиғдириши мумкин, ўйин аренаси ва бассейндаги минбарларига эса 15-20 минга яқин тамошабин кириш мумкин. Мажмуага ёпиқ ареналар-енгил атлетика манежи, велотрек, кортлар ва ҳ.к.лар 10-20 минг кишилик минбарлари билан кириш мумкин. Бундай ноёб мажмуалар қаторига Москвадаги Лужники марказий стадиони, Токио, Мехико, Мюнхен ва Монреолдаги олимпия стадионлари киради. Стадион учун яхши кўкаламзорлаштирилган участкани, иложи бўлса парк яқинидаги майдонни танлаш лозим. Паркнинг бевосита яқинлиги микроклимни фақат яхшилабгина қолмай, балки спортчилар ва ташриф буюрганларга бир қатор қулайликлар яратади: спортчилар енгил атлетика билан шуғулланиш учун қўшимча базага эга бўладилар, дам олиш ҳудуди кенгайди. Сув хавзаси (дарё кўл)нинг мавжудлиги стадион таркибига спортнинг сув турлари учун иншоотлар киритиш имконини беради. Стадион ҳудуди шовқин ва ифлосланган ҳаво манбаидан анча узоқда, шунингдек жадал ҳаракатли транспорт магистраллардан анча узоқда жойлашган бўлиши керак. Спорт мажмуаси ҳудудидаги кўк ўсимликлар унинг майдонининг камида 30 % ини ташкил этиши керак. Умумшаҳар стадионлари учун катта аҳамиятга эга бўлган транспорт хизмати биринчидан, спортчиларни ўқув машқ ўтказиш кунлари элтиб қўйишни, иккинчидан, спорт томошалари

ўтказиладиган кунлари кўп миқдордаги ишқивозларни стадионга элиб қўйиш ва олиб кетишни ҳисобга олиш керак.

Худудни функционал зоналарга ажратиш, участкани режалаш ва стадионнинг хажмий-фазовий композицияси иншоотнинг турига, участканинг жойлашишига ва шаклига, унинг мўлжалига, иншоотларинг функционал алоқасига, стадионга асосий кириш жойининг ва ўтиш йўлларининг жойлашишига, шунингдек. Мажмуа элементларининг жойлашишини бедгилаб берувчи бошқа шароитларга боғлиқ.

Стадион худуди мунтазам, эркин ёки аралаш режелашга эга бўлиши мумкин.

Мунтазам режалаш кўпинча текис сиртли участкаларда қўлланилади. У фазовий композицияга маълум бир тантанаврликни бахш этади ва ташриф буюрувчиларга осон мўлжал олишларига имкон беради.

Эркин режалаш баланд-паст рельефда жойлашган стадионлар учун хосдир.бу усул асосий иншоотларни самарали жойлаштириш имконини беради.

Аралаш режалашда намоиш қилинадиган худуди одатда мунтазам аҳамиятга эга бўлади, ўқув-машқ қилиш худудлари эса эркин схемага эга бўлиб, ҳар бир худуддан фойдаланиш хусусиятига яхшироқ мос келади.

Манежлар – бу асосан киш вақтида ва мавсумлар орасида енгил атлетика, от спорти ёки футбол бўйича ўқув машқ машғулотлари ва мусобақалар ўтказиш учун мўлжалланган бинолардир. Енгил атлетика бўйича манежнинг ўлчами доира шаклидаги югуриш йўлагининг узунлиги, эни ва бурилиш радиусларига боғлиқ бўлади. Енгил атлетика манежларида томошабинлар учун доимий минбарлар ва ўринлар бўлмаслиги ҳам мумкин, лекин улар ташкил этиладиган бўлса ҳам, иккинчи қавт балконларида ёки ўзгартирилувчи минбарлар кўринишида жуда оз миқдорда бўлади. Енгил атлетика манежларига мисол тариқасида Москвадаги АЗЛК манежини ва Санкт Петербургдаги ДСО “Зенит” манежларини келтириш мумкин.

7-илова

Берк стадионлар

Берк стадион деб, спорт аренасига эга катта спорт залига ва жуда катта сифимга эга бўлган доимий минбарлари бўлган универсал иншоотга айтилади. Берк стадионларнинг биз аввал кўриб ўтган спорт иншоотларидан асосий фарқи уларнинг яққол ифодаланган намоиш қилувчи хусусиятидир.

Берк стадионлар универсал вазифани бажарувчи спорт томошабоп иншоотлар бўлиб, шунинг учун ҳам уларга бир-бирига нисбатан қарма-қарши талаблар қўйилади. Бу қарама-қаршиликларнинг сабаби уларни универсал фойдаланишга мўлжалланган янги ғоясидан бу иншоотларда уларга баъзан бир-бирини инкор қилувчи талаблар қўювчи тадбирларни олдиндан ўтказилиши кўзда тутилган имкониятидан келиб чиқади. Ўз навбатида бу иншоотлардан фойдаланишда шу даражада кенг имкониятлар уларнинг қурилиши ва фойдаланиши қийматларининг юқорилиги, бу ерда фақат спорт тадбирларининг ўтказилишидангина ҳаракатларни қоплаш мумкин эмаслиги сабабли келиб чиққан.

Ўз хусусияти ва функционал вазифаларига кўра бу иншоотларда ўтказиладиган тадбирларни 4 гуруҳга етарлича аниқ ажратиш мумкин. Спортнинг ҳар хил турлари бўйича мусобавалар спортнинг ҳар хил турлари бўйича ўқув -машқ қилиш машғулотлари тадбирлар (концертлар, кино ва х.к), ижтимоий оммавий тажбирлар (мажлислар, лийинглар, янги йил арча байрамлари, кўргазмалар, баллар ва х.к).

Бу рўйхатдан кўринадики, берк стадионлар ареналар анча мураккаб ёки осон ўзгартиришлар йўли билан турли-туман тадбирларни ўтказиш имконини бериш керак; бунда ўзгартиришларни амалга оширишдаги соф техник мураккабликлар (қийинчиликлар)дан ташқари яхши акустиканаи таъминлаш ва спорт аренасида юз бераётган барча воқеаларни яхши кўриб идрок қилинишини таъминлаш муаммоси ҳам вужудга келади.

8-илова

Минбарлар

Минбарларнинг шакли спорт иншоатининг умумий композициясига боғлиқ. Минбарлар шаклига қуйидагилар таъсир кўрсатади: спорт арена ва сахна (эстрада)нинг яхши сиғимдорлиги билан максимал ўринлар мивдорини таъминлаш шартлари; зал шакли ва унинг минимал хажмини олишга интилиш; минбар остидаги фазоларнинг мақсадга мувофиқ шакли; томошабинларни тез ва қулай эвакуация қилишни таъминлаш; эстетик мулохазалар, чунки манбаларни шакли кўп жихатдан зал интерьерини архитектурасини белгилаб беради.

Режада минбарлар аренага нисбатан ўз ечимига кўра 1,2,3,4 томонли тақасимон элементик овал ва халқасимон (концентрик) бўлиши мумкин. Архитектура-композицион ва конструктив ечимлар.

Кўпинча спорт саройлари деб аталадигин берк стадионлар шаҳар қурилишида катта аҳамиятга эга бўлган ва шаҳарларни қурилишда ва режалаштиришда архитектура бадий доминантга бўлган бинолар турларидан бири ҳисобланади. Бундай иншоотларнинг таъсир кучи ва аҳамияти аввало, яратилиши шаҳарнинг катта ҳудудларини ўзлаштиришини ёки қайта қуришни. Турли хил транспорт муаммоларини ҳал қилишни, уларни ободонлаштириш бўйича катта ишларни ҳал этишни талаб қилувчи йирик спорт ансамблларнинг бир қисми бўлиб ҳисобланиши билан белгиланади. Масалан Москвадаги “Мир” шох кўчасида жойлашган “Олимпийский” стадиони 45минг томошабинга мўлжалланган минбарларга ва узунлиги 400метр бўлган енгил атлетика югуриш йўлакчасини ташкил этишда 79х144м.ли аренага ўзгартириладиган футбол ўйини учун 73х112м.ли спорт арена сизга эга. Санкт Петербургдаги 25минг томошабинга мўлжалланган берк стадион 115х80м.эли спорт арена сизга эга. Минбарларни бир қисмини ўзгартириш йўли билан арена 124х89м.гача катталаштирилиши мумкин.

Сузиш бассейнлари

Ўзининг асосий вазифасига кўра бассейнлар чўмилиувчи-асосан соғломлаштириш мақсадини кўзда тутувчи; ўқув-сузишга ўргатишга ва оммавий чўмилишга ўргатиш учун фойдаланувчи; спорт бассейнлари ўқув-машқ ишлари ва мусобақаларини ўтказиш учун мўлжалланган; аралаш спорт ва ўқув-сузишлари учун чўмиладиган ва ваннани битта мажмуада бирлашганини ифода этувчи.

Сунъий бассейнлар очик, берк ва ўзгартирувчи бўлади.

Ёпиқ (берк) бассейн – девор конструкциялари ва устёпмалари барқарор бўлган берк иситиладиган хонада жойлаштирилган, ванналари бўлган иншоот.

Спорт бассейнларида ванналарни жойлаштирилиши: чайқалувчи-мактабгача ёшдаги болаларни сувга ўргатиш учун; болаларни кичик в ўрта мактаб ёшидаги болаларни сузишга ўргатиш учун; ўқув катта мактаб ёшидаги болаларни ва катталарни сузишга ўргатиш учун умумий жисмоний тайёргарлик секцияларида ва соғломлаштириш гуруҳларида шуғулланаётганларнинг сузишлари учун сузиш учун, сувга сакраш учун; универсал (кўп мақсадли) сузиш учун сув полоси ва сувга сакраш учун.бассейннинг умумий режавий ечимлари асосий ваннанинг ва ёрдамчи хоналар блокининг ўзаро жойлашиши билан белгиланади. Қуйида ана шундай ўзаро жойлашишнинг 4та асосий усули келтирилади.

1. Четки -ёрдамчи хоналарнинг асосий зал четида жойлаштирилиши.
2. Бўйлама – ёрдамчи хоналар блокини асосий залнинг узун томонидан бирида жойлаштириш.
3. Периметрал- ёрдамчи хоналарнинг 3 томондан ёки асосий залнинг периметрик бўйича жойлаштириш минбарлар асосий ваннанинг икки бўйлама томонлари бўйлаб юқори қаватларни эгаллаган йирик намоиш қилувчи бассейнларда қўлланилади.
4. Тўсилган (блокланган) – сузиш учун ванналар, сувга сакраш ва сузишга ўргатиш учун ванналар умумий ёрдамчи хоналар билан бирлаштирилган алоҳида хоналарга чиқарилган.

Ванналарнинг ўлчовлари мусобақалар қоидалари ва уларнинг вазифалари билан белгиланади. Ваннанинг энини сузиш учун йўлаклар сони белгилаб беради. Халқаро қоидаларига кўра йўлакнинг эни 2.5м.га тенг бўлиши керак, аммо одатдаги машғулотлар учун у 1.8-2.0 м.гача камайтирилиши мумкин. Халқаро мусобақалар учун бассейнлар 8 та йўлакка эга бўлиши, яъни эни 21 м. бўлиши керак. Ваннанинг ўтказиш қобилиятини ошириш учун бу ўлчамни 25м.гача орттирилади, бу ўқув-машқ ўтказиш машғулотлари вақтида йўлаччаларни бўйламасига эмас балки, кўндалангига белгилашига имкон беради. Бу ҳолда йўлаччалар сони 20тагача ортади, ваннанинг бир вақтдаги ўтказиш қобилияти 120 кишидан 200 кишигача ортади.

Сув полоси учун ўйинларга 33х21м. ўлчамдаги сув майдонини ўқув-машқ машғулотлари учун 25х8 м. ўлчамгача камайтиришга рухсат этилади. Сувга сакраш учун 10 м.лик минора ўрнатиладиган жойда залнинг

баландлиги сув сатхидан устёпма конструкцияларининг чикиб турган жойигача масофа 13.4м. бўлиши лозим.

Сузиш бассейни спорт иншоатлари орасида энг қизиқарли объектлардан бири ҳисобланади. Композиция усулларининг хилма-хиллиги бассейнларни лойихалашда ва қуришда жуда кенг архитектура режавий имкониятлар мавжудлигини тасдиқлайди.

Улар композициясининг асоси талаб этилаётган ванналар сони, ўлчами ва шакли ҳамда томошабинлар учун минбарларни мавжудлиги ёки йўқлиги, уларни сифими ҳисобланади. Айнан минбарлар бассейннинг шаклини ва унинг устини ёпиш тизимини танлашни белгилаб беради, минбардаги қаторлар сони жуда катта бўлганда, минбарларнинг юқори қаторининг сакраш минораси даражасидан ортиб кетувчи белгига кўтарилишига сабаб бўлади. Қаторлар сони оз бўлганда бассейн композициясига сувга сакраш қурилмалари таъсир кўрсатади. Улар тўлиқ тўплам ҳосил қилганда иншоат устёпмасининг энг баланд участкаларини белгилаб беради. Токио шаҳридаги Йойоги спорт мажмуанинг 15минг кишилик минбарлари сузиш ва сувга сакраш ванналари билан сузиш бассейни – устёпма конструкциясини минбарлар шакли ва бино архитектураси билан органик композицион ва функционал боғлашнинг намунасидир.

Бассейнлар архитектурасининг муҳим компоненти уларни устёпмаси тизими бўлиб, баъзан минбарлар конструкцияси билан биргаликда. Баъзан мустақил қисм кўринишида ҳам ҳал қилинади, унга ёрдамчи хоналар элементлари киришиб кетади.

10-илова

Саволлар

1. Жойлашиш ўрнига боғлиқ ҳолда спорт иншоатлари қаерда ва қандай тури қўлланилади?
2. Аҳолига, аҳоли пунктига боғлиқ ҳолда стадионларнинг қандай турларини қўллаш лозим?
3. Берк стадионларга қандай архитектура композицион ва конструктив ечимлар таълаб этилади?
4. Берк сузиш бассейнларига қандай архитектура – композицион талаблар қўйилади?

11-илова

Адабиётлар

1. Н.Н. Миловидов, Б.Я. Орловский, А.Н. Белкин архитектура гражданиких и промышленных зданиии. Гражданский здания. Москва, высшая школа, 1987
2. Ф.М. Фирсанов. Архитектура гражданиких зданий в условиях жаркого климота. Высшая школа. Москва 1971.
3. В.В. Адамович, В.Г. Бархин, В.А. Варешкин ва бошқ. Архитектурное проектирование общественных зданий и сооружение. 2- кайта ишланган ва тўлдирилган нашри. Москва, стройиздат, 1985.
- 4.

18-МАВЗУ	Аэровокзалларнинг архитектура-композицион схемаси
-----------------	--

1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

Ўқув соати – 2 соат	Талабалар сони:
Ўқув машғулот шакли	Ахборотли маъруза
Маъруза режаси	1. Аэровокзаллар турлари 2. Йўловчилар аэровокзалларининг асосий ечимлари 3. Замонавий аэровокзалларнинг қулайлиги 4. Вокзалларнинг архитектура-композицион ечимларини баҳолашнинг асосий мезонлари
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларни аэровокзалларнинг архитектура-композицион схемаси билан таништириш	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
Аэровокзаллар турлари билан таништиради	Аэровокзаллар турларини билади билан таништиради
Йўловчилар аэровокзалларининг асосий ечимларини намоён этади	Йўловчилар аэровокзалларининг асосий ечимларини ўз мустақил намоён этади
Замонавий аэровокзалларнинг қулайлигини мисоллар ёрдамида кўрсатади	Замонавий аэровокзалларнинг қулайлигини тушунади
Вокзалларнинг архитектура-композицион ечимларини баҳолашнинг асосий мезонлари ҳақида гапириб беради	Вокзалларнинг архитектура-композицион ечимларини баҳолашнинг асосий мезонларини билади
Ўқитиш воситалари	<i>маъруза матни, компьютер слайдлари, доска</i>
Ўқитиш усуллари	<i>ахборотли маъруза, блиц-сўров, эркин ёзиш</i>
Ўқитиш шакллари	<i>жамоада ишлаш</i>
Ўқитиш шароити	<i>техник воситалар билан таъминланган аудитория</i>
Мониторинг ва баҳолаш	<i>оғзаки савол-жавоб</i>

**1.2. “Аэровокзалларнинг архитектура-композицион схемаси”
мавзусининг технологик харитаси**

Иш босқич- лари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич. Мавзуга кириш (20мин)	1.1.Янги мавзуга кириш мақсадида “Ўртача қаватли турар жой уйлари ҳақида нималарни биласиз?” мавзусида эссе ёзиш топшириғини беради. 1.2. Баъзи талабаларнинг эсселарини эшитади. 1.3.Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутиладиган натижалар билан таништиради.	Конспект дафтарларига ёзадилар Фикр алмашилади Тинглайдилар
2 -босқич. Асосий қисм (40 мин)	2.1.Маъруза режаси билан таништиради (1 - илова). 2.2.Таянч иборалар билан таништириш (2-илова). 2.3. Аэровокзаллар турлари билан таништиради (3-илова). 2.4. Йўловчилар аэровокзалларининг асосий ечимларини намоён этади (4-илова). 2.5. Замонавий аэровокзалларнинг қулайлигини мисоллар ёрдамида кўрсатади (5- илова). 2.6. Вокзалларнинг архитектура-композицион ечимларини баҳолашнинг асосий мезонлари ҳақида гапириб беради (6- илова).	Режани ёзиб оладилар Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар
3-босқич. Яқунловчи (20 мин)	3.1.Мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун блиц-сўров ўтказди (7-илова). 3.2. Мавзу бўйича адабиётлар рўйхатини беради (8-илова)	Саволларга жавоб берадилар Адабиётларни ёзиб оладилар

1-илова

Маъруза режаси

1. Аэровокзаллар турлари
2. Йўловчилар аэровокзалларининг асосий ечимлари
3. Замонавий аэровокзалларнинг қулайлиги (комфортабеллиги)

4. Вокзалларнинг архитектура-композицион ечимларини баҳолашнинг асосий мезонлари

2-илова

Таянч сўзлар

Аэровокзаллар, замонавий аэровокзалларнинг қулайлиги, вокзалларнинг архитектура-композицион ечимлари, вокзалларнинг архитектура-композицион ечимларини баҳолаш мезонлари

3-илова

Аэровокзаллар турлари

Авлоциянинг илк ривожланиш даврида аэродромлар бевосита шаҳар худудида, турар-жой қурилишлари яқинида жойлаштирилади. Уларнинг кўпчилиги янада ривожлантирилди, лекин у шаҳарларнинг ўсишига қаршилик қилади, аэропортларнинг турар-жой туманларига яқинлиги эса моторлар шовқини оқибатида аҳолининг турмуш шароитларини ёмонлаштиради. Баъзида аэропорт худуди шаҳарнинг бош ва ягона йўналишида жойлашади. Аэропортлар ва шаҳарларнинг ривожланишидаги зиддиятла бир қатор шаҳарларда қарор топди. Шу муносабатлар билан аэропортларнинг ишига борган сари ортиб бораётган талабларни ҳисобга олиб, бош архитекторлар бундай иншоат учун янги майдонлар шаҳар чегараларидан камида 25-30 км масофада танланиши тўғрисида ҳамкорлик қилишлари керак, чунки бу масофадан яқин жойлашган аэродромлар шаҳарнинг ривожланишининг қийинлаштиради ва ривожланишининг бош режаларига кўра шаҳардан узоқ масофага кўчирилиши мумкин (масалан, Тошкент аэропорти)

Аэропортлар билан қулай алоқа қилиш учун замонавий тезкор автомобил йўлларининг мавжудлиги ва уларнинг шаҳар магистраллари билан қулай ҳолда бирга қўшилиши (масалан, Токиодаги Норисита аэропорти) хал қилувчи аҳамиятга эга. Бу иншоатларнинг шаҳар атрофидаги худудларнинг гўзал табиий манзараси қуршовида жойлаштириб, уларнинг яхши йўл режасини белгилаш лозим. Агар имкон бўлса, йирик аэропортларни шаҳарлар билан яхшироқ алоқасини таъминлаш учун электрлаштирилган темир йўл линияларини келтириш ҳам мақсадга мувофиқдир (масалан, Москвадаги Домодедова аэропорти). Аэропортлар ва аэровокзаллар шаҳарнинг ўзига хос жойи – вестибюли ҳисобланиб, у ерда ташриф буюрувчи йўловчилар аҳоли турар жойи тўғрисида биринчи таъсуротлар олишади. Шунинг учун архитекторлар вокзалларнинг архитектурасига катта аҳамият беришлари керак.

Йўловчилар аэровокзалларининг асосий ечимлари

Вокзаллар архитектураси маскур шаҳар учун ёрқин ва ўзига хос бўлиши керак;

Йўловчилар келиб тушадиган ва жўнатиладиган жойларнинг интерьерларида шаҳар яратган мавзунини маҳобатли рассомлик ва ҳайкалтарошлик воситалари билан акс эттиришлари керак.

Тажрибани кўрсатишича, аэровокзалларни 2 сатҳда – келиб тушиши ва жўнаши асосида қуриш лозим. Бундай усулдан Вашингтондаги Даллос аэропорти мувофақиятли фойдаланилган. Аэро вокзалларининг аэродромлар билан қўшишни янги схемалари ва самалётлардан йўловчиларни тушириб олиш ҳамда жўнатишнинг турли хил вариантлари диққатга сазовардир. Аэропортлар билан бирга мажмуада транзит йўловчилар ва ҳаво кемалари экипажлари учун меҳмонхоналарни, шунингдек аэропортга хизма кўрсатувчи ходимларни яшаши учун шаҳар типигаги турар жой ҳудудини ҳам назарга тутиш лозим.

Аэровокзаллар 2-турда лойihalанади: Шаҳар аэровокзаллари ва аэропорт аэровокзаллари. Аэропорт вокзаллари ҳаво транспорти йўловчиларининг хизмат кўрсатишининг асосини ташкил этган ҳолда, бу вақтда шаҳар аэровокзалларидан фойдаланиш жуда катта шаҳарларга хосдир. Аэропортлар аэровокзаллари йўловчиларга 3дан олдинги ва кейинги хизмат кўрсатиш учун, кузатувчилар ва кутиб олувчиларга хизмат кўрсатиш учун, шунингдек, йўловчиларнинг автотранспортдан, самолётга ёки самолётдан – самолётга ўтишнинг бутун йўлида багажга ишлов беришга мўлжалланади. Улар йўловчиларнинг кўп тоифалари бўйича (ҳалқаро, ички ва маҳаллий), ўтказиш қобилияти бўйича, йўловчилар ва багажга хизмат кўрсатиш бўйича таснифланади. У аэровокзалда 1соат давомида хизмат кўрсатиши мумкин бўлган барча йўловчилар миқдори билан ифодаланади. Ўтказиш қобилиятига боғлиқ ҳолда аэровокзаллар билан қуйидаги гуруҳларга ажратилади: Кичик соатига 400 йўловчи, ўрта – 400дан - 1000 йўловчигача, катта соатига 2.5000 йўловчидан юқори.

Йўловчиларга хизмат кўрсатиш марказлашган услублар билан амалга оширилади. Марказлаштирилган услуб 1жойда, технологик қурилдмаларнинг 1та ёки қўшни фронтлар билан ва ҳар – хил йўловчи оқимлари турлари (маҳаллий ва иттифоқ йўналишлари) бир хил ходимлари ва айрим рейслар йўловчиларига бир жойда хизмат кўрсатиш билан ифодаланади. Улар аэровокзал роқали умумий йўллар ва хоналар бўйича ҳаракат қиладилар. Номарказлашган услуб турли хил йўловчилар ва аэровокзалнинг ортиқча юкланишини минимумга пасайтириш ҳисобланади.

Галерияли аэровокзал асосий бинодан бошлаб келувчи битта ёки бир нечта голлереяларни барно этишни назарда тутди.

Галлерейя бўйлаб самолётларнинг тўхтаб туриш жойлари жойлаштирилган. Бундай концепция майдони катталаштиришини талаб этмай, хизмат кўрсатилаётган йўловчилар микдорини оширишга имкон беради. Самолётни аэровокзал самолётлар турадиган жойлар билан ўраб олинган ва асосий бинодан ажратилган самолётга ўтириш иншоотига эга. Самолётларга бориш бириктирувчи ўтиш йўллари бўйича амалга оширилади.

Домодедово аэропорти лойиҳа бўйича вокзалолди майдонларида, юк аэровокзали ва бир қатор иншоотлар ҳамда бинолар (мехмонхона, почта ва бошқ.) мажмуига бирлаштирилган учта аэровокзалдан иборат. Марказий аэровокзал буйруқ берувчи диспечерлик пункти, борт таъминоти цехи ва самолётларга техник хизмат кўрсатиш хоналари билан тўсилган. Умумий ўтказиш қобилияти соатига 4-5 минг йўловчи технологик схема келувчи ва жўновчи йўловчилар оқимининг тўлиқ бўлиниши назарда тутади.

Талиндаги аэровокзал биноси конструкцияларнинг икки оммали конструкцияси билан ташкил этилган қизиқарли тасвир билан ихчам икки қаватли хажмли лойиҳаланган ва қурилган. Ўтказиш қобилияти соатига 800 йўловчи, принципаал технологик схема икки асосий сатҳда хал қилинган. Биринчи қаватда перрон сатҳида бағажда ишлов бериш ва сақлаш хоналари, хизмат ва техник хоналар жойлаштирилган. Иккинчи қаватда республика ичи ва халқаро секторларнинг асосий йўловчилар заллар, савдо заллари, кафе, ресторан, бар жойлашган. Интерьерни безатишда муҳандислик коммуникацияларидан фойдаланилган. Шаҳар транспорти аэровокзалга эстокода бўйича иккинчи сатҳга етиб боради. Перрон томонидан бешта барқарор қисқа телескопик троплар (зинапоялар) бўлган тақсимловчи галлерейялар назарда тутилган.

Ереванда номарказлаштирилган турдаги 2100 йўловчининг ўтказишга мўлжалланган "Звартноц" аэровокзали қурилган. Архитектура қиёфаси бўйича ёрқин, ифодали бўлган бу аэровокзал халқасимон тақдимлаш залига сингдирилган етти та хизмат кўрсатишнинг қўшма модулларидан иборат. Йўловчилар оқими вертикалларга бўлинган, бағажни бериш ихчам блокда марказлаштирилган, аэровокзал замонавий қурилмалар билан жиҳозланган.

Бундаги аэропортнинг янги биносида МДХ республикалари ва халқаро линиялар йўловчилари учун мўлжалланган, эски бино эса маҳаллий линиялардаги йўловчилар учун мўлжалланган. Аэровокзал олдидаги ягона майдонда автотранспорт тўхтаб туриш жойлари жойлашган. Аэровокзалга кириш йўли эстокода бўйича амалга оширилади, унинг остида перронга ўтиш учун транспорт йўллари мавжуд. Аэровокзал биноси трапециясимон шаклда ва ёзги кутиш худуди вазифасини ўтовчи ички ховличалари бўлган кутиш зоналари ва ўтиш йўллари билан боғланган олтиёкли блоклардан иборат.

Ички фазоси очиқ марказий блок устивор хажм ҳисобланади. Унинг ўртасида лифт шахтаси ва ички зинапоя бор. Зинапоя лифт шахтаси ва хоналар ўртасидаги алоқа ички очиқ зинапоялар бўйича

амалга оширилади. Хоналарнинг ички ховли биланалоқаси очик зинапоялар бўйича назрда тутилган.

5-илова

Замонавий аэровокзалларнинг қулайлиги (комфортабеллиги)

Замонавий вокзалларнинг қулайлиги кўп жихатдан уларда фойдаланиладиган технологик ва муҳандислиқ қурилмалари билан то эскелоторлар ва багажли кўтаргичларгача , телескопик троплар кўтарилувчи, бурилувчи қуёшдан химояловчи жалюзилар, автоматик очилувчи эшикларгача ва х.к ларгача белгиланади.

Энг катта бадий –эстетик самарага вокзал мажмуасига кировчи барча бинолар, иншоотлар ва элементларнинг фақат ўзаро боғлиқ ечимидagina эришиш мумкин. Ташқи (магистрал) ва маҳаллий(шаҳар) транзити орасидаги фарқ кейинги вақтларда борган сари йўқолиб бормоқда. Шу муносабат билан икки ёкибир неча турдаги транспорт йўловчиларига кетма-кет хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган бирлашган(коперацияланган ёки комплекс) вокзалларни жуда истикболли деб тан олиш лозим. Темир йўл автомобиль ва ҳаво транспорти иншоотларининг ягона мажмуада бирлаштиришнинг намунаси сифатида ички ва яқин халқаро авиалиниялар (йўналишлар) учун мўлжалланган Лондон Готвик намуна бўлиб хизмат қилиш мумкин. Мажмуанинг асосий хусусияти унинг Лондон –Брайтон автомагистралида жойлашгани ва олтига темир йўл йўналишларига эга темирйўлга қўшилганлигидир.

Машхур Аэровокзаллар Париж-Орли, Рим-Фиумичино, Брюссель-Националь ва бошқалар ўз ичига эстокедалар ва туннеллар, ер ости ва ер усти гаражлари ҳамда авто тўхтаб туриш жойлари каби мураккаб қурилмаларнигина эмас, балки метро станциялари ёки операцион заллар эскелоторлар орқали бевосита боғланган темир йўл платформаларини олади.

Замонавий фуқоролар авлоцияси шаҳарлардан узоқда жойлашган ва улар билан асосан автомобиль йўллари орқали боғланган аэропортларга эга. Шу муносабат билан кейинги йилларда йўловчиларга бевосита шаҳарларда хизмат кўрсатиш маълум даражада ривожланмоқда. Бунда аэропортда метеорологик (об-ҳаво) шароитлари ва бошқа сабабларга кўра чарчатадиган кутишлар қисқаради ёки хатто умуман бўлмайди. Шаҳар транспорт агентликлари ва шаҳар аэровокзаллари аэропортлар аэровокзалларидан фақат жойлашган жойга қараб фарқ қилмайди. Агар аэропортлар амалиётлар билан бевосита боғлиқ бўлса, у ҳолда аэровокзаллар фақат автобуслар, автомобиллар, баъзан темир йўл линияси, метро ва келишувчи транспортнинг бошқа турлари билан боғланган.

Бунда шаҳар аэровокзаллари, масалан. Москвада Копенгогенда амалга оширилгани каби- кўпинча йирик кафе-ресторанлар ва кўп қаватли меҳмонхоналар билан ҳамкорликда ишлайди. Шаҳар аэровокзалларининг аэровокзаллар билан бирлашиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Вокзалларнинг

архитектура – композицион ечимларини баҳолашнинг асосий мезонларига лойихаланаётган мажмуанинг архитектура фазовий схемаси, конфигурацияси ва асосий габаритларининг унинг вазифасига мувофиқлигини шунингдек мавжуд ёки лойихаланаётган шаҳар қурилиши ва табиий атрофига мувофиқлиги; ҳар қандай вокзал мажмуасининг-вокзал олди майдони йўловчилар биноси (битта ёки бир нечта) ва пероннинг асосий элементлари орасидаги қулай ва кўринма идрок қилинадиган алоқаларни таъминлаш; волган барча хоналарнинг ўтказиладиган амалларнинг хусусиятига ва турли тоифадаги йўловчиларнинг ҳаракатланиш графигига мувофиқ кетма-кет жойлаштирилиш; композицион яхлитликни (масштаблик, мутаносиблик. Қисмларнинг бир-бирига мувофиқлигини) таъминлаш, шунингдек вокзал мажмуи образли тавсифи ва тектоник схемасининг унда бажарилаётган амалларни мазмунига, залдаги ва бошқа хоналар асосий гуруҳларнинг ўзаро жойлашишига мувофиқлиги. Лойихаланаётган объектнинг транспорт воситалари масштабига ва одам масштабига ўлчовдошлигини композиционнинг “оралиқ” элементларидан – архитектуранинг кичик шакллари, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, техник эстетика ва монументал декоратив санъат элементларидан фойдаланган ҳолда таъминлаш.

6-илова

Вокзалларнинг архитектура-композицион ечимларини баҳолашнинг асосий мезонлари

7-илова

Саволлар

1. Аэровокзалларнинг қандай турлари лойихалаштирилмоқда?
2. Йўловчилар аэровокзалларнинг асосий ечимлари қандай?
3. Замонавий аэровокзалларнинг қулайлиги нималар билан белгиланади?
4. Вокзалларнинг архитектура композицион ечимларининг асосий мезонларига нимани киритиш мумкин?

8-илова

Адабиёт

1. Н.В. Баранов. Главный архитектор города. Москва, издательство литературы по строительству. 1973
2. В.В. Адамович, Г.М. Бархин, Б.А. Варезкин ва бош. Архитектурное проектирование общественных зданий и сооружений. Қайта ишланган ва тшддирилган иккинчи нашри. Москва, стройиздат 1985

19-МАВЗУ	Клубларнинг ҳажмий –композицион ечими
-----------------	--

1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

Ўқув соати – 2 соат	Талабалар сони:
Ўқув машғулот шакли	Ахборотли маъруза
Маъруза режаси	1. Клуб залларининг ўзига хос хусусиятлари. 2. Клубларнинг ҳажмий-композицион ечими
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларни Клубларнинг ҳажмий – композицион ечимлари билан таништириш	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
Клуб залларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапириб беради	Клуб залларининг ўзига хос хусусиятларини билади
Клубларнинг ҳажмий-композицион ечимини намоён этади	Клубларнинг ҳажмий-композицион ечимига оид ўз таклифларини беради
Ўқитиш воситалари	<i>маъруза матни, компьютер слайдлари, доска</i>
Ўқитиш усуллари	<i>ахборотли маъруза, блиц-сўров, эркин ёзиш</i>
Ўқитиш шакллари	<i>жамоада ишлаш</i>
Ўқитиш шароити	<i>техник воситалар билан таъминланган аудитория</i>
Мониторинг ва баҳолаш	<i>оғзаки савол-жавоб</i>

1.2. “Клубларнинг ҳажмий –композицион ечими” мавзусининг технологик харитаси

Иш босқич-лари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич. Мавзуга кириш (20мин)	1.1.Янги мавзуга кириш мақсадида “Клубларнинг ҳажмий – композицион ечими” мавзусида эссе ёзиш топшириғини беради. 1.2. Баъзи талабаларнинг эсселарини эшитади. 1.3.Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутиладиган натижалар билан таништиради.	Конспект дафтарларига ёзадилар Фикр алмашилади Тинглайдилар
2 -босқич. Асосий қисм (40 мин)	2.1.Маъруза режаси билан таништиради (1 - илова). 2.2. Клуб залларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапириб беради (2-илова). 2.3. Клубларнинг ҳажмий-композицион ечимини намоён этади (3-илова)	Режани ёзиб оладилар Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар
3-босқич. Яқунловчи (20 мин)	3.1.Мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун блиц-сўров ўтказади (4-илова). 3.2. Мавзу бўйича адабиётлар рўйхатини беради (5-илова)	Саволларга жавоб берадилар Адабиётларни ёзиб оладилар

1-илова

Маъруза режаси

3. Клуб залларининг ўзига хос хусусиятлари.

4. Клубларнинг ҳажмий-композицион ечими.

2-илова

Клуб залларининг ўзига хос хусусиятлари

Умумий ҳавоскорлик қизиқишларига кўра бирлаштириладиган, одамларнинг бўш вақтини ўтказиш учун мўлжалланган муассасаларга клублар дейилади. Кейинги йилларда клублар дейилади. Кейинги йилларда клублар қурилишда унинг дастурини соф клуб фаолияти (ҳавоскорлик ижоди, қизиқшлар бўйича бирлаштириш, кўнгилочар бўш вақт ва бошқалар). Вазифаларнинг универсаллиги фақат қишлоқ клубларида сақланиб қолади, чунки уларга яқин жойда махсус томошабон, спорт иншоотлари, клубхоналар ва ҳ.к лар йўқ.

Ҳозирги вақтда клуб биносининг энг кенг тарқалган биносининг иккита ҳар хил фаолият турига эга икки қисми клуб, ҳисобланади: оммавий, кўнгилоҷар (томошабоп қисм) ва камера, тўғарак (клуб қисми). Клуб биносининг бу икки қисми турли хил архитектура ечимига эга бўлиши мумкин. Бинонинг архитектура пластикаси бўйича икки контраст қисмларининг бирига қўшилиши бой композицион имкониятлар беради, бунда томошабоп қисми блоки устувор ҳисобланади.

Томошабоп қисми асосан томошабинлар зали, сахна (эстрада ва сахнага ҳамда залга хизмат кўрсатувчи хоналар). Клубнинг томошабинлар зали театрларнинг махсуслаштирилган томоша муассасалари залларидан, концерт залларидан, кинотеатрлардан фойдаланиш хусусиятига кўра у ерда ўтказиладиган барча турдаги томошаларнинг (спектакллар, концертлар, кинокўрсатувлар, маърузалар, мажлислар) яхши кўринарли ва эшитилишнинг барча талабларига жавоб бериши керак.

Кўп мақсадли залнинг архитектура фазосининг ечими доимо айрим турдаги томошаларга қўйиладиган талабларнинг қарама – қаршиликлари ўртасидаги маълум бир зиддиятни ифодалайди, шунинг учун клуб залининг габаритлари (ўлчамлари)ни жуда ҳам қатъий талаблардан келиб чиқиб белгилашга тўғри келади, бундай талаблар спектаклни кузатишга бўлган талаблар бўлади. Ўз архитектурасига кўра клуб зали томошабоп заллардан унча катта фарқ қилмайди.

Клуб залларининг ўзига хос хусусиятлари орасидан қуйидагиларни айтиб ўтиш мумкин:

1. Кичик сиғимдаги залларда табиий ёруғликни ташкил этиш, бундай залларда маърузалар ва мажлислар (клуб хоналари таркибида махсус лекция зали бўлмаган ҳолда) ўтказиш мумкин ва бу ерни қоронғулаштириш осон амалга оширилиши мумкин;

2. Кичик сиғимдаги клубларда ўриндиқларнинг биринчи қаторлари худудида горизонтал пол ташкил этиш, бу рақс тушиш, болалар эркаликларини ва ҳ.к ларни ўтказишга имкон беради. Бу ҳолда эстрада сахнасини ҳам тўла ёки қисман ечиб олинадиган ёки пастга тушадиган қилиб тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

Клуб фойеси фақат ўзининг бевосита вазифаси бўйичагина эмас, балки кўрғазмалар, баллар, рақс кечаларини (рақс зали бўлмаганда) ўтказиш учун ҳам фойдаланилади. Фойени томошабинлар зали билан бир ҳажмда жойлаштириш, рақс зали мавжуд бўлмаганда эса унинг ёнига жойлаштириш тавсия этилади. Фойе табиий ёритилиши керак. IV об – ҳаво зонаси учун лойиҳаланадиган клублар биносида фаррон шамоллатишни назарда тутиш мақсадга мувофиқ.

3-илова

Клубларнинг ҳажмий-композицион ечими

Клубда лойиҳаланаётган ўйин майдончаси, одатда, ичкарида бўлиб, ичкарида бўлиб, бунда томошабинлар тўрт томоннинг бирида

жойлашадилар. Бундай клуб майдончаларининг турли ўлчам ва сахна қурилмалари билан жиҳозланганликдаги 4 хил тури мавжуд.

Эстрада – зал билан ягона фазада бўлган ўйин майдончаси (залдан портал билан ажратилмаган). А тури – зал баландлиги га мос баландликда. Концертлар, кинокурсатувлари, ижтимоий тадбиркорни ўтказиш имкониятини таъминлайди. Б тур–томошобинлардан яширин ҳолда ёритиш арматурасини жойлаштиришга йўл қўядиган баландликда одатда эстрада ва зал баландликларнинг фарқи шипни уст ёпма конструкциясига мос ҳолда пастки қисми ва устидан жойлаштириш билан эришилади. Курсатиб ўтилган тадбирлардан ташқари барқарор декорацияли спектакллари ўтказиш имконини таъминлайди.

Сахна – залдан портал девор билан ажратилган ўйин майдонидир. А тури расмий декорацияни иккига бўлган ҳолда қўтаришни таъминловчи баландлик билан. Ҳаваскорлик декорацияларини алмаштириб ўтказиш имкониятини таъминлайди. Б тури расмий декорацияни унинг табиий габаритларида қўтаришни таъминлайдиган баландлик билан. Профессионал драматик гуруҳларнинг гастроль спектакллари ўтказиш имкониятларини таъминлайди.

Б турдаги сахна асосан театри бўлмаган кичик шаҳарларда лойиҳаланаётган клублар учун тавсия этилади. Клуб сахнаси профессионал театр гуруҳлари талабларига жавоб бериши керак. Эстрада асосан доимий амал қилувчи ҳаваскорлик театр гуруҳининг мавжудлиги эҳтимоли кам бўлган қишлоқ клубларида лойиҳаланади, бошқа ҳолларда А турдаги сахнанинг қўлланиши тавсия этилади.

Томошабинлар залининг орқа девори орқасида дарчалари қурилиш портали эни чегарасида бўлган создагич, сахнани ёритиш, ёруғлик проекцион ва товуш аппаратлари хоналари жойлаштирилади.

Киноаппарат хонасини кинотеатрлар учун талабаларга мувофиқ лойиҳалаш лозим. Ҳажмли декорациялар омборихоналари иўйин майдончаси даражасида жойлаштирилади уларнинг майдони сахна юзининг 40-60% ҳисобида ва эстрада юзининг 20-40% ҳисобида белгиланади. Сахна бўлганда уларнинг баландлиги ҳисобидаги ўйин портали баландликка эга бўлиши керак. Артистларнинг хоналарини улардан тўғрақ ишлари учун фойдаланишни ҳисобга олиб лойиҳалаш лозим.

Клуб қисми одатда шундай тҳисоб билан лойиҳаланадики, бунда уни томошабоп қисмидан ажратиш мумкин бўлган ва уларни алоҳида ҳолда фойдаланиш мумкин бўлсин (турли вақтда, киришнинг турлича шартларида эркин ёки пулли). Бироқ бир қатор ҳолларда иккала қисмининг алоқаси зарур бўлиб қолади. У клубдаги кабинетларни **** хоналари, артистлар хонаси, устахона ва ҳ.к.лар тарзида фойдаланишга имкон беради.

Бу биринчи навбатда унча катта бўлмаган клубларга таалукли.

Клуб қисми таркибига маърузалар зали – аудитори, кутубхона, тўғрақхоналари, меҳмонхоналар, шунингдек (ҳар доим ҳам эмас) кафе, спорт ёки рақс зали ва бошқаларо киради. Клубнинг жуда шовқин хоналари – хореография, мусиқ, хор тўғрақлари ва репетиция заллари, устахоналари

– алоҳида блокка гуруҳлаш лозим. Бундай машғулотлар хоналарини аудитория ва кутубхона ёнига жойлаштириш мақсадга мувофиқ эмас.

Тўғарак хоналарини лойиҳалашда шуни назарда тутиш керакки, ҳар бир хонани қатъий ихтисослаштиришга эришишнинг уддасидан чиқиш қийин чунки битта тўғарак машғулотлари сони ҳафтасига уч соатдан ортмайди ва унга алоҳида хона ажратилганда эди у кўп вақт бўйи ётган бўлар эди, вақтлармашғулоти ўтказадиган бир неча тўғарак бириктирилади.

Кутубхона вестибюлдан бевосита кириш жойига эга бўлиши ёки фақат ўқиш залига келувчиларга эмас, балки уйига китоб олиб кетиб ўқувчи китобхонларга ҳам хизмат кўрсатиш учун билан яхши алоқага эга бўлиши керак. Кутубхона хоналарига қуйидагилар киради: каталоглар ва китобни уйга бериб юбориш ўқиш залига бериш хоналари (обонемний), китоблар сақланадиган хона, ўқиш зал, янги келган китобларни қабул қилиш ва ишлов бериш хонаси.

Китоб сақланадиган хонани қисман китобларга очиқ кириш мумкин бўладиган қилиб, лойиҳалаш мақсадга мувофиқ. Ёпиқ китоб сақланадиган хона ўтиб кетиши мумкин бўлмайдиган мустақил хонада жойлашиши керак.

Клуб қисмида дам олиш учун (меҳмонхона) хоналар бўлиши керак. Улар ёки изоляцияланга, ёки очиқ, кулуарларга ёки даҳлизларга уланган бўлиши мумкин.

Маърузалар замини томошобиндан чап томонидан ёки юқоридан табиий ёруғлик тушадиган қилиб лойиҳалаш ва деразаларни механик равишда парда билан беркитишқурилмасини назарда тутиш мақсадга мувофиқ. Залнинг юзи битта томошабинга $0,8\text{ м}^2$ ҳисобида белгиланади. залнинг четида – аудиторияда эстрада ва киноэкран ҳамда синф доски учун жой жиҳозлаш лозим. залнинг қарама – қарши томонида кинопроекцион хона бўлиши керак. Маърузалар залида кулуарлар – биртомошабинга $0,3\text{ м}^2$ юзага эга кўргазмалар хонаси ташкил этилади.

Вестибюль, одатда бутутн клуб учун умумий бўлади, лекин катта сифимли клубларда томошабоп ва клуб қисмлари учун бир томошабинга $0,3\text{ м}^2$ юза ҳисобида ва клуб қичмининг битта иштирокчисига $0,15\text{ м}^2$ юза ҳисобида мустақил вестибюллар лойиҳалаш яхшироқ бўлади. Гардероб ва касса хоналарини театр бинолардаги каби лойиҳаланади. Ҳожатхонадаги санитария анжомларининг сонини амалдаги нормаларга мувофиқ қабул қилиш лозим. Клубларнинг намунавий вариантлари сифатида маданий – оқартув марказлари деб номланган – клубнинг қуйида санаб ўтилган иншоотларнинг бир ёки бир нечаси билан қўйилган бинолар ҳисобланади: иштирок этади: кафе, спорт зали, рақс зали ва бошқалар. Натижада муассасалар иши бойитилади. Бунда уларнинг биргаликдаги ва алоҳида ҳолдаги ишлашни таъминловчи қулай ўзаро алоқаси зарур.

Клуб хоналари спорт гуруҳи битта баъзан бир неча спорт залларига, бассейн ва бир қатор ёрдамчи хоналарга ечиниш хоналари, душхоналар, хожатхоналар, инвентарь ва ходимлар (устоз, врач0) учун хоналарга эга бўлиши керак.

Кафени ундан фойдаланишнинг икки вариантыни имкониятини ҳисобга олиб жойлаштириш мақсадга мувофиқ: клуб залига ташриф буюрувчиларига онда – сонда хизмат кўрсатиш (назоратдан ташқарида бўлганларга), ижтимоий тадбирлар (баллар, дам олиш кечалари ва ҳ.к.) ишгитрокчиларига хизмат кўрсатиш очиқ шаҳар тармоғида зал фойесига буфет столини олиб чиқиб ишлаш. Бу ҳолда бир томондан, томошобинларга хизмат кўрсатувчи хоналар (фойе, кулуарлар) алоқасини назарда тутиш, иккинчи томондан, кўчадан алоҳида киришни – ветибюль, гарднроб ва санузелларга киришни назарда тутиш зарур.

4-илова

Саволлар

1. Клубларнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
2. Клуб залларининг томошабоп заллардан ёки саройлардан қандай ўзига хос хусусиятлари мавжуд?
3. Клубларнинг ҳажмий-композицион ечимига қандай талаблар қўйилади?

5-илова

Адабиёт

1. Н.Н. Миловидов, Б.Я. Орловский, А.Н. Белкин. «Архитектура гражданских и промышленных зданий». «Гражданские здания». Москва, Высшая школа, 1987г.
2. В.В. Адамович, В.Г. Бархин, В.А.Варежкин ва бошқ. «Архитектурное проектирование общественных зданий и сооружений». Қайта ишланга ва тўлдирилган иккинчи наشري. Москва, Стройиздат, 1985 г

20-МАВЗУ	Савдо корхоналари композицион ечимлари
-----------------	---

1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

Ўқув соати – 2 соат	Талабалар сони:
Ўқув машғулоти шакли	Ахборотли маъруза
Маъруза режаси	1. Магазинлар ва уларнинг турлари. 2. Савдо биноларини лойиҳалашнинг ўзига хос жиҳатлари. 3. Ижтимоий – савдо мажмуаларининг архитектура композицияси 4.
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларни савдо корхоналари композицион ечимлари билан таништириш	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
Магазинлар ва уларнинг турлари билан таништиради	Магазинлар ва уларнинг турларини билади
Савдо биноларини лойиҳалашнинг ўзига хос жиҳатларини очиқ беради	Савдо биноларини лойиҳалашнинг ўзига хос жиҳатларини ҳис қилади
Ижтимоий – савдо мажмуаларининг архитектура композициясини намоён этади	Ижтимоий – савдо мажмуаларининг архитектура композицияси бўйича ўз таклифларини беради
Ўқитиш воситалари	<i>маъруза матни, компьютер слайдлари, доска</i>
Ўқитиш усуллари	<i>ахборотли маъруза, блиц-сўров, эркин ёзиш</i>
Ўқитиш шакллари	<i>жамоада ишлаш</i>
Ўқитиш шароити	<i>техник воситалар билан таъминланган аудитория</i>
Мониторинг ва баҳолаш	<i>оғзаки савол-жавоб</i>

1.2. “Савдо корхоналари композицион ечими” мавзусининг технологик харитаси

Иш босқич-лари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич. Мавзуга кириш (20мин)	1.1.Янги мавзуга кириш мақсадида “ Савдо корхоналари композицион ечими? ” мавзусида эссе ёзиш топшириғини беради. 1.2. Баъзи талабаларнинг эсселарини эшитади. 1.3.Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутиладиган натижалар билан таништиради.	Конспект дафтарларига ёзадилар Фикр алмашилади Тинглайдилар
2 -босқич. Асосий қисм (40 мин)	2.1.Маъруза режаси билан таништиради (1 - илова). 2.2. Магазинлар ва уларнинг турлари билан таништиради (2-илова). 2.3. Савдо биноларини лойиҳалашнинг ўзига хос жиҳатларини очиб беради (3-илова). Ижтимоий – савдо мажмуаларининг архитектура композициясини намоён этади (4-илова)	Режани ёзиб оладилар Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар
3-босқич. Яқунловчи (20 мин)	3.1.Мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун блиц-сўров ўтказди (5-илова). 3.2. Мавзу бўйича адабиётлар рўйхатини беради (6-илова)	Саволларга жавоб берадилар Адабиётларни ёзиб оладилар

1-илова

Маъруза режаси

1. Магазинлар ва уларнинг турлари.
2. Савдо биноларини лойиҳалашнинг ўзига хос жиҳатлари.
3. Ижтимоий – савдо мажмуаларининг архитектура композицияси.

Магазинлар ва уларнинг турлари

Чакана тармоқ савдо корхоналарининг асосий тури магазинлар ҳисобланади. Ишчи ўринлари сони, хоналарнинг юзи ва товар айланишига боғлиқ ҳолда магазинлар йирик, ўртача ва майда бўлиши мумкин. Магазинлар хоналари ўз ичига қуйидагиларни олади:

- Савдо савдо заллари, буюртмаларни қабул қилиш ва бериш заллари, кафетерий зали, янги товарларни намойиш қилиш зали ва бошқалар.
- Товарларни қабул қилиб олиш ва сақлаш ҳамда товарларни сотишга тайёрлаш учун – қабул қилувчи юк тушурувчи, омбохоналар, совитиладиган камералар, қадоқловчи, комплектловчи ва бошқа хоналар.
- Ёрдамчи хоналар- идишларни, ўраб жойлаш материалларини, керак- яроқларни, контейнерларни ва бошқаларни сақлаш учун.
- Маъмурий ва маиший хоналар.
- Техник хоналар – вентиляция камералари, лифтлар ва совитиш қурилмаларининг машина бўлинмалари, ҳавони кондиционерлаш камералари ва бошқалар.

Магазинларнинг ҳилма – хил турларини уч гуруҳга ажратиш мумкин:

- Универсамлар, супермаркетлар- истемолчини озиқ овқат одатдаги ва доимий эҳтиёждаги товарлари билан, шунингдек ҳар жойда талаб этиладиган саноат моллари билан таъминловчи, ўзига хизмат кўрсатувчи магазинларни ифодалайди.
- Универмаглар – чакана савдо қилувчи йирик корхоналар бўлиб, кўпчилик ҳолларда катта савдо майдончаларига ва товарларга эркин бориш имкониятига эга. Бундай магазинларнинг афзаллиги шундан иборатки, биргина бинода махсус бўлинмаларда мажуд бўлган кўпгина товарларни сотиб олиш мумкин. Универмагларда, одатда, кафе бўлади, гастрономия товарлари билан ҳам савдо уюштирилмаган бўлади.
- Махсус магагазинлар – ностандарт намунадаги саноат ва озиқ – овқат товарларининг айрим гуруҳларига бўлган харидорларнинг онда – сонда бўладиган талабини таъминлайди.

Савдо биноларини лойиҳалашнинг ўзига хос жиҳатлари

Савдо биноларини лойиҳалашда муҳим масала уларнинг архитектура – режавий ечимларини соддалаштириш ҳисобланади, бу эса биринчи навбатда юк ортиладиган жойдан омборхоналарга ва кейин савдо залига боровчи юк оқимларининг тўғри чизиқли бўлишини талаб этувчи самарали технологияни қўллаш билан боғлиқ. Тошкентдаги МУМнинг (ЦУМ) умумий архитектура- композицион ечими майдоннинг қарор топган хусусиятига бўйсундрилган. Бинонинг баландлиги атрофдаги қурилишларнинг ўртача баландлигига қурилиш бинонинг тектоник асосига унинг функционал хусусиятларига жавоб беради. Лойиҳавий қурилиш амалиётнинг кўрсатишича, универсал магазинларнинг ривожланишида истиқболли йўналишлардан бири имкон бўлса, турли сатҳларда жойлашган ер ости қаватларидан, гаражлардан, ҳар кунлик эҳтиёж товарлари учун қўшимча ва ёрдамчи хоналардан фойдаланиш ҳисобланади, масалан, Токиода марказий универсал магазин – ер остида 7 қаватли уйларни ташкил этади.

Усти берк бозорлар давлат ва матбуот савдосини ташкил этиш учун мўлжалланган ва ҳар куни фойдаланиладиган савдо корхоналари қаторига киради ҳамда харидорларга хизмат кўрсатишнинг хизмат кўрсатиш радиуси чегараларида жойлашган бўлиши керак. Ёпиқ бозорларнинг бинолари ўзларининг ҳажмий – режавий ечимлар ва габаритларига кўра, шаҳар қурилишида, одатда, ажралиб туради ва у билан бирга архитектуравий ансамблни ташкил этиши керак. Шаҳар ҳудудидаги берк бозорларни одатда орол схемаси бўйича ёки шаҳар кварталларининг турар жой қурилишида жойлаштириш қабул қилинган. Улар, шунингдек, ижтимоий – савдо маркази таркибига киритилиши ҳам мумкин. Усти ёпиқ бозорларга ташқи юк оқимларини одамлар оқимидан ажратган ҳолда қулай ёндашишлар ва ўтиш йўллари назарда тутилиши керак. Усти берк бозорлар биноларининг ҳажмий – режавий ечимига қабул қилинган қаватлар миқдори, конструктив ечим, ҳаракат – намлик режими (тартиби), табиий ёритиш хусусияти, интерьернинг хусусиятлари ва бошқа шароитлар таъсир кўрсатади.

Амалиётда усти берк бозорлар биноларнинг ҳажмий – режавий ечимларининг барча хилма – хиллигида ушбу асосий усул ажратилади:

1. Марказлаштирилган (энг ихчам – думалиқ, гумбазли – Тошкент шаҳрининг Шайхонтоўур туманидаги бозор);
2. Павильон туридаги;
3. Аралаш (ўтиш йўллари билан бирлаштирилган бир неча павильонлар).

Савдо маркази – бу битта участкада жойлаштирилаётган функционал ва фазовий жиҳатдан боғланган савдо хизмати кўрсатиш корхоналари мажмуасидир. Бу марказлар харидорларни ҳар кунлик истеъмол товарлари мажмуи билан таъминлайди ва турар жой қурилишида бир текси жойлашади. Одатда, уларга қуйидагилар киради: универсам туридаги универсал озиқ – овқат магазини; супермаркет, умумий овқатланиш мажмуа

корхонаси; маиший хизмат кўрсатиш корхонасининг комплекси қабул қилиш пункти.

Шаҳар марказларига шаҳарнинг ижтимоий – савдо маркази киради, у умумшаҳар марказининг таркибий қисми сифатида шаклланади ва шаҳар аҳолисини ҳамда унга аҳоли пунктларини ҳар замонда талаб этиладиган товарлар ва хизматлар билан таъминлаш учун мўлжалланади.

Бу мажмуага йирик универмаглар, универсал магазинлар, супермаркетлар, махсус магазинлар, умумий овқатланиш корхоналари ва юқори сифатга эга маиший хизмат кўрсатиш киради. Замонавий ижтимоий савдо марказлари пиёдалар ва транспорт оқимларининг бўлиниш хусусиятига боғлиқ ҳолда бир ёки бир неча сатҳ (даража) да ечилиши мумкин. Бир неча даражада ечиш вертикал зоналаш ғоясига асосланади. Бу вариант йирик ва жуда йирик шаҳарларнинг маҳаллий ва шаҳар аҳамиятига эга марказларини лойиҳалашда энг кўп қўлланилади. Ижтимоий – савдо маркази катталигига боғлиқ ҳолда бир неча йўловчилар ва транспорт сатҳларида ҳал қилиниши мумкин. Ижтимоий савдо марказларининг кўп ярусли тизимлари тезкор транспортнинг тўсиқларсиз ҳаракатланиши учун, омборхона биноларини қулай юклантириш учун шароит ярашади, пиёдаларни ҳаракатланаётган транспортдан яхши алоҳида ажратади.

Хизмат кўрсатиш марказларини ихчам хажмий –режавий ечимларини яратишнинг мақсадга мувофиқ йўлларида бири ер ости фазасидан фойдаланиш ҳисобланади. Бундай ёндашув шаҳарнинг тахминан 8-10% ҳудудни тежаб қолиши мумкин.

4-илова

Ижтимоий – савдо мажмуаларининг архитектура композицияси

Ижтимоий – савдо мажмуаларининг архитектура композициясининг муҳим принципи (қоидаси) жамиятнинг моддий ҳаётининг замонавий анъаналарини акс эттирувчи ижтимоий хизмат кўрсатишнинг турли хил функцияларининг бирлаштирилиши ҳисобланади. Бу принцип кўп вазифали ижтимоий – савдо марказларининг янги типологик моделларининг шакллантирилишига олиб келади. Асосий мазмуни турли функцияли мавжуд ҳажмлар ва фазоларни биргаликда олинган ҳолда архитектура – бадий жиҳатдан бирлаштиришдир. Масалан, Москвадаги Калинин проспектида жойлашган ижтимоий – савдо маркази, у ерда икки қаватли чизилган ҳажмнинг ягона архитектура усулидан ва идора ҳамда турар жой хоналарининг аниқ модуллаштирилган текисликлари билан компоновка қилинган умумшаҳар мажмуасининг кўп ярусли савдо галереяларидан фойдаланилган. Бу ерда турли хил вазифаларнинг уларнинг архитектуравий – фазовий яхлитликдаги ва узлуксизлигидаги турли хил функциялари (вазифалари) бирлаштирилишнинг бадий ифодаланишига эришилган.

Ижтимоий – савдо мажмуаларининг архитектура композицияси ташриф буюрувчиларнинг учта тоифасига : пиёдаларга, умумий фойдаланиш

транспорти йўловчиларига ва шахси автомобиллар эгаларига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бир қатор бошқа ўзига хос хусусиятларга эга. Бундан ижтимоий – савдо мажмуаларни транспорт трассалари ва бекатларига яқинлаштириш ва шу билан бирга уларда пиёдалар зоналарини яратиш замонавий шаҳар қурилиши концепциясига тўла жавоб беради.

Ижтимоий - савдо мажмуаларини композицион ечимларининг урта асосий усули мавжуд.

Давом этувчи марказлар, улар 300-800 м чегарадаги умумий узунликдаги битта ёки бир неча ҳажмдан иборат. Савдо кўчалари пиёдалар ҳудуди ҳисобланади. Транспорт магистраллари уларга бир, икки томондан ёни ер ости даражасида ёндошади.

Ихчам марказлар, улар одатда, 70 – 80% қурилиш зичлигига, 100м гача транспорт йўллари уларга бир, ёки бир неча томондан ёки ер ости даражасида ёндошади.

Ажратиб юборилган марказлар, улар турли хил вазифаларга эга гуруҳланган ҳажмлардан очик фазоларни ҳудуддаги ҳажмлар билан ҳалқали транспорт магистралли чегарасида қўшиб олиб бориш йўлидан иборат. Савдо марказларини лойиҳалаш ва қуриш амалиётида энг кўп тарқалган архитектура – режавий усул уларнинг давомли (чизиқли) композицияси ҳисобланади.

У қуйидаги схемаларини ўз ичига олади: савдо пасажлари ва ҳ.к. Ижтимоий – савдо маркази композициясида ҳар қандай замонавий шаҳар қурилиш ансамбли каби эстетик таъсир воситаларидан бири архитектура ёдгорликлари ва марказдаги янги биноларнинг қўшилиши бўлиши мумкин. Шундай қили, ижтимоий - савдо марказлари биноларининг архитектура – бадий тавсифларни ишлаб чиқишда ансамблнинг бадий образи ва умумий композицион ечимини шакллантирувчи турли хил усуллар ва воситалардан фойдаланиш мумкин: малум бир композицион элементларни такрорла; оддий ва асл савдо марқалари, эмблемалар, ажратувчи ёзувлар ва лавҳалар, савдо рекламасининг қўлланиши, марказни кечки ёритишдан ва самарали ёруғлик тавсифдан фойдаланиш.

5-илова

Саволлар

1. Магазинлар хоналари ўз ичига нималарни олади?
2. Магазинларнинг турли хилларини қанча гуруҳга етказиш мумкин?
3. Савдо биноларини лойиҳалашда нима энг муҳим масала ҳисобланади?
4. Ижтимоий - савдо мажмуалларининг архитектура композициясининг энг муҳим тамони нима ҳисобланади?

Адабиётлар

1. Н.Н. Миловидов, Б.Я. Орловский, А.Н. Белкин. «Архитектура гражданских и промышленных зданий». «Гражданские здания». Москва, Высшая школа, 1987г.
2. В.В. Адамович, В.Г. Бархин, В.А.Варежкин ва бошқ. «Архитектурное проектирование общественных зданий и сооружений». Қайта ишланга ва тўлдирилган иккинчи нашри. Москва, Стройиздат, 1985 г